

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА МУЛОҚОТ ШАКЛЛАРИ

Матякупов Саъдулла Гаипович
Филология фанлари номзоди, доцент.
Нукус давлат педагогика институти

Лирикада тушунчалар моҳияти ҳамيشа мавҳумликка таянгандек кўринади. Ушбу мураккабликнинг қай даражада акс эттирилганлигини туйғу ва идрок орасидаги алоқа узвийлиги таъминлайди. Шунингдек, унда ижодкор томонидан эстетик объектга юклатилган ғоянинг мазмундорлиги етакчи мавқе касб этади. Энг муҳими, бадий муносабатнинг теранлиги ва эстетик идрок имконияти бадий талқиннинг ўзига хослигини таъминлайди. Мазкур жараёнда шеърнинг вужудга келишида ижодкор кўнглида кечган олам ва одам орасидаги зоҳирий диалогик алоҳида аҳамият касб этади. Адабиётшунос Ҳ.Умутов таъкидлаганидек, «Бадий диалог ҳолатни, ўй-хаёлни талқин қилмоғи – унинг очик мазмунидан яширин моҳияти сари боришга китобхонни «мажбур» қилиши – бош талаб»¹ экан, шеър асарлардаги диалоглар орқали қаҳрамон характери, руҳияти ҳамда манфаат-эҳтиёжларини ихчам тарзда ифодалаш имконияти ортади.

Зеро, сўнгги йиллар ўзбек лирикасида ранг-баранг шеър шакллари орқали ҳаётни, инсон умри ва унинг қисматини ифодаловчи, қадр-қимматини улуғловчи бир қанча бадий кашфиёт даражасидаги асарлар яратилди. Уларда шоирлар ҳар хил мавзуларда ижодий ўзига хослигини намойиш этиб, янги эстетик тамойилларни вужудга келтирдилар.

Шеърятда нутқий ифода шакллари бир-бири билан тигиз муносабатга киришган ҳолда бадий шартлиликни вужудга келтиради. Лирик талқинда туйғу ҳамда онг мувозанати нисбий ижодий мустақилликка интилиши масала моҳиятини янада ойдинлаштиради. Таъкидлаш жоизки, назмда

¹ Умутов Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – Б. 155.

бадий нутқ тадрижи мураккаб жараён сифатида намоён бўлади, унда ўтиш шакллари (монологлашган диалог – диалоглашган монолог) хилма-хиллиги кузатилади. Адабий таҳлил ва эстетик идрокда мужассам эркинлик даражаси гоҳ нутқий ифода бошқарувини етакчи ўринга олиб чиқса, гоҳида риторик оҳангдошликни диққат марказига кўчиради. Шунга қарамасдан, лирик ифодада асосан монологлашган онг ўзаро муносабатлар баёнига асос бўлади.

Лириканинг ўзига хос хусусиятлари хусусида Жамол Камол ўз изланишларида шундай фикр билдиради: «Лирика қандай шароитларда пайдо бўлади? Лирика инсон ўз шахсини таниган, ўзини шахс сифатида англаган, ўзини олам ичра бир одам деб билган ва ташқи, объектив оламга ўз шахси оламининг ойналари орқали қараган шароитда пайдо бўлади. Инсон ўз шахсини олам билан қиёслайди, гоҳо унга қарама-қарши қўяди, гоҳо ташқи олам билан туташ ва пайваста эканлигини қайд этади. Аммо ҳеч қачон олам қаршисида ўзини батамом унутиб қўймайди. Олам билан бирлиги, бир бутунлигини тараннум этувчи, илҳомий дақиқалар, руҳий жазаваанинг энг олий нуқталарида шоир шахси ўзлигидан хабар бериб туради»².

Шундай экан лирик жанрларда яратилган асарларни ўрганиш ва уларнинг мазмун-моҳиятидаги умуминсоний фазилатларни тадқиқ қилиш, шунингдек, шеърятнинг яратилишидаги диалогик тафаккур моҳиятини таҳлил қилиш адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидан саналади.

А.Орипов шеърлари умуминсоний муаммолар талқини, уларни бадий ифодалашдаги турли хил бадий шакллар ҳамда ифода усуллари билан ўзига хослик касб этади. Шоир ўзининг сермазмун шеърларининг воқеалар тафсилотида шакл ва мазмун мутаносиблигини таъминлашда мукамалликка эришади. Бу борада «Абдулла Орипов поэтик типларни шоирона тавсифлар воситасида гавдалантиради. Типларнинг характерли

² Жамол Камол. Шеър санъати. –Т.: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 86-87.

белгиларини улар намоён бўладиган ҳаётий ситуацияларда очади. Лекин бу ситуацияларни ниҳоятда ихчам тасвирлайди. Бундай типлар яратишга бўлган интилиш Абдулла Орипов шеърлятидаги қудратли дидактик йўналишдан туғилади, пайдо бўлади. Шеърлар ёрқин маънавий хулосалар билан яқунланади. Шоир очикдан-очик тарбия билан шуғулланади. Шеърят тарбия билан ҳам жиддий ва қатъий шуғулланиши керак, деб ишонади»³.

Абдулла Орипов шеърлятида инсоннинг ўзини англаши, унинг фазилату иллатлари, тақдири, умуман бутун мураккаблиги бадиий талқин қилинади. Шоирнинг «Ҳаж дафтари» туркум шеърларида диний-маърифий масалалар ўзига хос тарзда ифода қилинган. Хусусан, «Ғийбат» шеърда шундай сатрлар учрайди:

Дўзах йўлларидадан ўтаркан Расул,
Атрофига кўз ташлар эди дамодам.
Кимдир фарёд солиб йиғларди нукул,
Оташда ёнарди ўзга бир одам.
Йўлнинг канорида – шундоқ сарҳадда
Ўлимтик ер эди аллақандай зот.
Ногоҳ Расулуллоҳ боқиб ҳайратда,
Жаброилга деди: – Бу кимдир, хайҳот!⁴

Мазкур шеърда инсон ҳаёти, умри моҳияти Фоний ва Боқий дунё мутаносиблигида тасвирланади. Бу эса инсонни ўз ҳаёти, яшаш тарзи, ҳалолу ҳаромни англаши каби масалалар моҳиятини англашга чақиради. Аҳамият берсак, мазкур шеърда шоир асосий эътиборни Расулуллоҳ назарида на фарёд солиб йиғлаётган («Кимдир фарёд солиб йиғларди нукул») на ўтда ёнаётган («Оташда ёнарди ўзга бир одам») одамга

³ Фафуров И. Шеърят – изланиш демак. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 27.

⁴ Орипов А. Танланган асарлар. Шеърлар ва дostonлар. 2-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 216.

қаратмаган. Англашиладики, улар ўз умрида шунга муносиб тарзда ҳаёт кечиришган. Шунинг учун ҳам дўзах азобида қийналмоқда. Лекин Расулуллоҳнинг ўлимтик еб турган «аллақандай зот» (инсоний қиёфаси йўқ)ни кўриб унинг қисматини тушунмай ҳайратга тушиши («– Бу кимдир, ҳайҳот!») китобхонни янада таажжубга солади. Шеърда тасвирланишича, «Йўлнинг канорида – шундоқ сарҳадда» яъни ҳатто дўзахга ҳам раво кўрилмаётган бу одамнинг кимлигини шоир Жаброил тилидан шундай тасвирлайди:

Жаброил айтдиким: – Бунда ҳар кимса,
Жазосин олгайдир қилмишига хос.
Ўлимтик егувчи бул банда эса,
Умрин ғийбат билан ўтказган, холос⁵.

Ушбу тасвирларда шоирнинг юксак даражадаги тафаккури ва бадиий маҳорати акс этади. Демак, ғийбат қилиш, инсонлар орасига нифоқ солиш кечирилмас гуноҳдир. Негаки, билмай бирор нотўғри ишга қўл уриш билан онгли равишда қилинган гуноҳ иш мутлақо бошқа нарса.

Муайян шоир лирикасининг ўзига хослиги ҳамиша инсон феномени психологик қирраларини тадқиқ қилишга мойиллик билан ўлчанади. Бу ўлчам талқин теранлашуви - поэтик тип шаклланишига замин ҳозирлайди. Кутилмаган ва ғоятда фавқулодда фалсафий мушоҳадалар янгидан-янги мантиқий фикрларни юзага чиқаради. Характер бадиий тадрижини ҳам маънавий, ҳам маърифий жиҳатдан ўзгартиришга интилиш шоир бадиий изланишлари мағзини белгилайди. Унда шоир образи ва лирик қаҳрамон тимсоли ўзаро қоришиб кетади. Мукамал онг, тушунча ҳамда психикани тасвир йўсинига сингдириш, бадиий характер ҳаётий-мантиқий асосларини

⁵ Орипов А. Танланган асарлар. Шеърлар ва дostonлар. 2-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 216.

кучайтириш, моҳият ифода хусусиятларини топишга уриниш шоир шеърияти йўналишини белгилаб беради.

«Шеърият ижтимоий ҳодиса сифатида инсоннинг руҳий моҳиятидан ибтидо олади. Шу маънода одамзоднинг ҳозирги ҳолга келиши, инсоннинг инсонга айланиши фақат ташқи омил – ташқи шарт-шароитларгагина боғлиқ жараён бўлмай, айти пайтда, ички омил – инсоннинг зоти билан, ундаги руҳий моҳиятнинг ижтимоийлик шаклида намоён бўлиши билан ҳам боғлиқдир. Яъни ижтимоийлик ташқаридан ёпиштирилган ёрлик эмас, балки инсоннинг фитрий ўзагида мавжуд моҳият бўлиб, унинг узок эволюцион йўлни босиб ўтиши натижасида башарият бугунги тамаддунни қўлга киритди. Шеърият эса ана шу моҳиятнинг намоён бўлиш шаклларида биридик»⁶.

Шеъриятдаги диалоглар аксарият ҳолларда монологик нутқ замирида вужудга келади. Шеър мазмунида эса тафсилотдан кўра унинг моҳиятига ишора муҳим аҳамият касб этади. Руҳий таҳлил қуюқлиги ва тасаввур майдони кенглиги ўқувчини чуқур мулоҳазага чорлайди. «Абдулла Орипов ўз асарларида халқимиз дилидаги орзу-армонларни бадий тасвирлаб, инсон руҳиятини мураккабликлари билан ифодалашга ҳаракат қилди. Шоир ўз шеъриятида шахс ва жамият руҳиятини олам ва одам ғам-ташвишларини, орзу умидларини, бахт-саодатини куйлайди. Шу боисдан ҳам шоир асарларида эзгулик, адолат, гўзаллик сингари умумбашарий қадриятлар талқини асосий ўрин тутди. Хусусан, инсонсеварлик, ватанпарварлик ғоялари ўзаро муштаракликда шоир ижодиётининг негизини ташкил этади»⁷.

Аён бўладики, ботиний зиддият характер табиатини белгилайди, ўз навбатида маънавий-ахлоқий фазилат ва иллатлар бадий чамбарчаслик

⁶ Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърияти бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол. фанлари доктори ... дис. автореф. - Тошкент, 2017. – Б. 14.

⁷ Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Тошкент, 2011. – Б. 11.

қонуниятини муқаррар ҳодисага айлантиради. Аслида изчиллик ва яхлитлик бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар, унинг пойдеворини ички қарама-қаршилиқлар тайин этади. Ҳаёт ва ижод таомиллари алоқадорлиги айнан ижтимоий, фалсафий ҳамда маънавий қадриятлар мезони узлуксизлигига таянади.

«Фикр ва мазмун Абдулла Орипов шеърлятида ҳам инсонни, замонни, олам сир-асрорларни билиш эҳтиросидир. Унинг шеърлярида фикр, энг аввало, ҳақиқат, изтироб, дунёнинг минг бир зиддиятлари қаршисида ҳайрат ва ҳайронликдир. Шоир шеърляридаги маъно ва мазмун яхшилик ва гўзалликка эътиқод, ёмонлик ва қабоҳатнинг ҳар қандай кўринишига нафратни ифода қилади. Абдулла Орипов шеърляридаги ғоя ва туйғулар шеърхонга табиат, замон, тарих сирларини очади. Шунинг учун унинг шеърлятида янги фикр ва мазмун юқори мавқеда туради, поэтик образлар, тасвир воситалари, рамз ва мажозлар ҳам ҳеч бир шоир томонидан кашф этилмаган мазмун ёхуд моҳиятнинг таъсирчанлигига хизмат этирилади»⁸.

А.Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркумига кирган барча шеърлярида юқоридаги таъриф ўз аксини топади. Шоир ижодида шакл ва мазмун мутаносиблиги мукамал акс этади. Мазкур туркумдаги «Фарзанд» шеърлярида ота ўз фарзанди камоли учун ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзидаги маънавий қийноқларни енгиб ўтиши тасвирланади.

Бир куни ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйдан бош олиб кетди.
Лекин Аллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Маккатуллоҳ васлига етди...

Каъбани сиғинар экан кекса чол,
Армонин ошкора айтди оламга.
Деди: – Ибодатим бўлса ҳам увол,

⁸ Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърлятида анъана ва бадий маҳорат (образ, ғоя ва тасвир): Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Тошкент, 2008. – Б. 12-13.

Фақат саодат бер ўша боламга⁹.

А.Ориповнинг шеърларида бутун башариятга хос қадриятлар, инсон тақдир ва камолоти, ҳаром ва ҳалол моҳияти каби маънавий-маърифий муаммолар диний-маърифий тушунчалар билан ифода қилинади. Мазкур шеърлар инсонга муайян маънода ўз таъсирини ўтказди, асар мазмунидан ўзига тегишли хулоса чиқаришга чорлайди. «Шеърятда инсон юрагининг сир-асрори акс этади. Инсон юрагининг сирли томони шундаки, у дунёга аввал бошданок забт этилган ҳолда келади. Шунинг учун нон деб йиғламайди у, обрў деб ўкинмайди. Юрак – ғойибдан келиб ичимизга ўрнашган элчи. У, алалоқибат, ўша ғойибнинг иродасига бўйсунди. Шеърят эса ичимиздаги элчиларнинг хос суҳбатидир»¹⁰ – дея таъкидлаган эди, адабиётшунос Раҳимжон Раҳмат.

Шу маънода А.Орипов шеърляти ўзининг сермазмунлиги, фикрлар теранлиги, бадий ифоданинг ўзига хослиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шоир шеърларида қайси мавзу қаламга олинмасин, барчасида бутун башариятга оид муаммолар ҳақида ўқувчини ҳайратга соладиган тарзда бадий талқин этилади.

Кўринадики, шеърятда диалог ва монолог ифода аниқлигини етакчи усул даражасига кўтаради. Семантик-синтактик муносабатлар тизими нутқий таъсирнинг ижтимоий амалиётини анча теранлаштиради. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур ҳолатда ижодкор индивидуал услуби орқали намоён бўлган риторик шакл бадий идрокнинг кенгайишига замин ҳозирлайди.

А.Орипов шеърларидаги диалогик талқин моҳиятида инсон ҳаёти маъноси ва умр моҳияти хусусидаги ўй-мушоҳадалар, инсон шаънининг фалсафий асосларини бадий тадқиқ этиш етакчилик қилади. Кузатилганидек, шоир шеърларида инсон феъл-фаолияти орқали намоён

⁹ Орипов А. Танланган асарлар. Шеърлар ва дostonлар. 2-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 205.

¹⁰ Раҳимжон Р. Адабиётдан чиқиш. –Т.: Академнашр, 2015. – Б. 33.

бўлган одамийлик ва ғайриинсонийликнинг ижтимоий-психологик омилларига эътибор қаратган ҳолда олам ва одам муносабатини мулоқот шаклига кўчиради. Шеърлардаги ҳар бир мулоқот шаклида семантик-синтактик алоқа тизимининг турли манзаралари қоришиб кетади. Нутқ шакллари жамланмаси бевосита ва билвосита ноадабий омиллар боғламига дахлдор моҳиятга эришади. Ифодада риторик муносабатлар ранг-баранглиги маъно-моҳиятнинг аниқлигини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – Б. 155.
2. Жамол Камол. Шеър санъати. –Т.: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 86-87.
3. Ғафуров И. Шеърят – изланиш демак. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 27.
4. Орипов А. Танланган асарлар. Шеърлар ва дostonлар. 2-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 216.
5. Орипов А. Танланган асарлар. Шеърлар ва дostonлар. 2-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 216.
6. Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърляти бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол. фанлари доктори ... дис. автореф. - Тошкент, 2017. – Б. 14.
7. Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърлятида халқона поэтик тафаккур муаммоси: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Тошкент, 2011. – Б. 11.
8. Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърлятида анъана ва бадий маҳорат (образ, ғоя ва тасвир): Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Тошкент, 2008. – Б. 12-13.
9. Орипов А. Танланган асарлар. Шеърлар ва дostonлар. 2-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 205.
10. Раҳимжон Р. Адабиётдан чиқиш. –Т.: Академнашр, 2015. – Б. 33.